

КПСС ЖҶУ СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИН АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЭЛЛИЦЕНТНЕРЧИЛАР РАПОРТИ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

БҮЛИМИМИЗ «оқ олтин» усталири фран-техника ютуқлари ва илгор агрохотика янгиликларини пахтачиликка кенг жорий этиб ҳосилдорлигини яна сайин ошириб бормоқдалар. Шу туфайли ҳар йили халқ хўжалик планлари ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар анча ортири билан бажариламоқда.

Биз бу йилги мавсумда айниқса баракали меҳнат қилиб, янги маррани эгаладик. Ҳосилдорлик бўлимида тарихида биринчи марта 50 центнерга етказилди. Терим агрегатларидан самарали фойдалан-

дик. Алиқул Холқулов, Ҳамза Мамедов каби меҳаник ҳайдовчиларимиз мавсумда 170 тоннага етказиб пахта териб бердилар.

Ҳозирги кунда келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиб мақсадда кузги-қишги ишлар қилиб юборилган. Пайкаллар гўзаялардан тозаланиб бўлинган, тракторчиларимиз далапарга минерал ўғит сеппишга киришдилар. Ернинг шарионига қараб гектарига 250—300 килограммдан суперфосфат солинди. Ерлар 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Бу ишда ҳам дала

гвардиячилари жонбозлик кўрсатдилар. Бўлим ишчилари об-давонинг қулай кунларидан моҳирона фойдаланиб арки-зовурларини тозалашни ҳам бошлаб юбордилар.

Биз беш йилликнинг дастлабки йилида эришилган ютуқни янада мустаҳкамлаймиз. Келгуси йилда ҳосилдорлигини ошириш учун барча куч ва имкониятларимизни ишга сола-
миз.

Н. ДУРСУНОВ,
Оққўрғон районидagi С. Сегизбоев номи совхозининг 4-бўлим бошқарув-
чиси.

ҲАРАКАТ БАРВАҚТ БЎЛСА...

КОЛХОЗИМИЗ Тошкент ва Чирчиқ шаҳарлари орали-
да жойлашган бўлиб, азалдан ўзининг ширин-шар-
кар мевадари, сабзавотлари
билан маълум ва машҳур-
дир. Мава бир неча йилдир-
ки, ҳар икки йиллик саноат
шаҳри меҳнатчиларини, қо-
лаверса, бошқа шаҳарлар
меҳнат ахлини тўқин-сочин
мева ва сабзавот билан таъ-
минлаб турибмиш.

Колхозимиз аъзолари ўзин-
чи беш йилликнинг бирин-
чи йиллиги меҳнатда муваф-
фақиятлар билан яқунламоқ-
далар. Бу йилда айниқса,
гобгон ва соҳибкорларимиз-
нинг ишлари диққатга сазо-
вор бўлди. Районимиз со-
ҳибкорлари йил бошида ик-
ки-уч йиллик миқдорда мева
тайёрлаб бериш ташаббуси-
ни бошлаб бердилар. Кол-
хозимиз аъзолари ана шу
ватанпарварлик ташаббусини
бир овоздан қўллаб-қувват-
лашди. Ҳосилдорлик кўтил-
ганда ҳам юқори бўлди.
613 гектар олма боғининг
ҳар гектаридан пландаги 36
центнер ўрнига 105 центнер-
дан ҳосил қўтарилди. Ша-
ҳарликлар дастурхонига уш
йиллик план миқдорига яъ-
ни 6440 тонна олма тортиқ
кичди. Бу борада Баҳром
Юсуфжонов бошчилиги қила-
ётган бригада боғбонлари
қувончан натижаларга эриш-
дилар. Улар планда кўзда
тутилган 428 тонна ўрнига
1307 тонна олма етказиб
берилди. Колхоз тоқсонла-
рида ҳам мўл ҳосил етиш-
тирилди, узум ва мевани
буриятини ошириб бажарди.
Турсунбой Толинов етакчи-
лик қилаётган бригада аза-
матлари ҳосилдорлигини 60
центнер ўрнига 106 цент-
нерга етказилди. Боғ ва тоқ-
сонларда кузги-қишги агро-
техника тадбирлари ниҳояси-
га етказилган.

Колхозимизда сабзавотчи-
лик етакчи тармоқ ҳисобла-
нади. Очгинини айтиш керак,
еримиз катта, юқимиз оғир.
1960 гектар ерда деҳқончи-
лик қиламиз. Ёки район бў-
йича тайёрланадиган жами
сабзавот маҳсулотларининг
салкам учдан бир қисми биз-
нинг колхозда етиштирила-
ди.

Эрта баҳордан оқ резавор
этиллари ва редисча ҳосил-
лини сотишни бошлаймиз.
Маана, яқиндагина кечки саб-
зи ва қарами йиништириб
олидик.

Шунингдек, колхозимизда
чорва қишлоқини муваффа-
қиятлик ўтказиш учун му-
стаҳкам озуқа базаси яратил-
ди.

Келгуси йилда янги-янги
ютуқларни қўлга киришти-
риш учун янада астойдил
меҳнат қиламиз. Халқимиз
дастурхонига эса ширин-ша-
кар мева ва сабзавот маҳсу-
лотларини ҳар йилдагидан
кўп етказиб берамиз.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Оржоникидзе районидан
«Қизил Ўзбекистон» кол-
хозининг раиси, Социали-
стик Меҳнат Қаҳрамони,
республика Олий Совети-
нинг депутати.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
ранс ўринбосари, Соци-
алистик Меҳнат Қаҳрамони.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Область кинофикация хо-
дматлари ўзaro мусобақани
қилиб, йиллик планни
муддатидан 25 кун илгари
бажардилар. Улар йил охи-
ригача фильмларни намо-
йиш қилиш эвазига яна 40
минг сўм топиришга ахд
қилишди.

СОВЕТ—ЛИВИЯ

КПСС Марказий Комите-
тининг Бош секретари Л. И.
Брежнев, КПСС Марказий
Комитети Сийёсий бюроси-
нинг аъзоси, СССР Олий
Совети Президиумининг Ра-
иси Н. В. Подгорний, КПСС
Марказий Комитети Сийёсий
бюросининг аъзоси, СССР

Министрлар Советининг Ра-
иси А. Н. Косигин ва КПСС
Марказий Комитети Сийёсий
бюросининг аъзоси, СССР
Ташқи ишлар министри
А. А. Громикини Ливия
Араб Республикаси револю-
цион қўмондонлик кенгаши-
нинг раиси полковник Му-
мар Каддафи билан олиб

борган музокаралари 9 де-
кабрь кунин Кремлда тугади.
Томонлар Совет—Ливия
мусоабатлари масалалари-
ни муҳокама қилдилар.
СССР билан ЛАР ўртасида-
ги ҳамкорлигини кенгайти-
риш ва қучайтириш истиқ-
болларини белгилдилар.
Ҳар икки томонни қизиқти-

рувчи халқаро проблемалар
юзасидан батафсил фикрла-
ниб олиш ҳам ниҳоясига
етди.

Қўшма ҳужжатлар кели-
шиб олинди.

Музокаралар амалий, дўс-
тона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

СОВЕТ—ЛИВИЯ

9 декабрь кунин Кремлда
Совет—Ливия ҳужжатларини
имзолаш маросими бўлди.
Ҳужжатларни имзолаш
вақтида:

Совет томонидан — КПСС
Марказий Комитети Бош
секретари Л. И. Брежнев,
КПСС Марказий Комитети
Сийёсий бюросининг аъзоси,
СССР Олий Совети Прези-
дентининг Раиси Н. В.
Подгорний, КПСС Марказий
Комитети Сийёсий бюроси-
нинг аъзоси, СССР Минис-
трлар Советининг Раиси
А. Н. Косигин, КПСС Мар-
казий Комитети Сийёсий
бюросининг аъзоси, СССР Та-
шқи ишлар министри А. А.
Громико, КПСС Марказий
Комитети Сийёсий бюроси

аъзолигига кандидат, РСФСР
Министрлар Советининг
Раиси М. С. Соломенцев,
СССР Олий Совети Прези-
дентининг Раисининг ўринбосари
К. А. Халилов, СССР-
нинг ЛАРдаги элчиси И. Н.
Якушин, бошқа расмий ки-
шилар.

Ливия томонидан — ЛАР
Революцион қўмондонлик
кенгашининг раиси полков-
ник М. Каддафи, Револю-
цион қўмондонлик кенгаши-
нинг аъзоси, қўролли куч-
лар боз қўмондонини полков-
ник Абу Бакр Юнус
Юноб, революцион қўмон-
донлик кенгаши билан ало-
қа давлат министри Таха
Шариф Бин Амир, Ташқи
ишлар давлат министри Али

Абдулсалоом Трейни, ЛАР-
нинг СССРдаги элчиси Дав
А. Суейдан, бошқа расмий
кишилар ҳозир бўлдилар.

Қуйидаги ҳужжатлар им-
золанди:

СССР ҳукумати билан
ЛАР ҳукумати ўртасида
деғиз кема қатнови тўғри-
сида битим. Уни СССР ҳу-
кумати томонидан — СССР
Ташқи ишлар минис-
трининг ўринбосари И. Н.
Земсков, ЛАР ҳукумати то-
монидан — ЛАР Ташқи ишлар
министрининг иқтисодий ва
техникавий ҳамкорлик коми-
тети раиси, элчи Хайри Бин
Амир имзоладилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БХРда

СОФИЯ, 8 декабрь.
(ТАСС). КПСС Марказий
Комитети Сийёсий бюроси-
нинг аъзоси, СССР Мудо-
фаа министри, Совет Итти-
фоқи маршали Д. Ф. Усти-
нов бошчилигидаги совет
ҳарбий делегацияси билан
БКП Марказий Комитети
Сийёсий бюроси аъзолигига
кандидат, БХР халқ мудо-
фаа министри, армия гене-
рали Д. Жуков бошчилигида-
ги Болгария Ҳарбий делега-
цияси ўртасидаги музокара-
лар бугун ниҳоясига етди.

Совет делегациясининг бу-
гун БКП Марказий Комите-
тининг биринчи секретари,
БХР Давлат Кенгашининг
раиси Т. Живков қабул қил-
ди. Учрашув самимий, дўс-
тона вазиятда ўтди.

Шу кун Д. Ф. Устиновга
Георгий Димитров орденини
топириш маросими бўлиб
ўтди. Д. Ф. Устинов Совет
Иттифоқининг мудофаа куд-
ратини, Варшава шартнома-
сида қатнашувчи давлатлар-
нинг армиялари ўртасида
жанговор иттифоқни мустаҳ-
камлаш соҳасидаги катта
хизматлари учун, икки мам-
лакат қўролли кучлари ўр-
тасидаги ҳамкорлигини қу-
чайтиришга ва Болгария
халқ армиясининг мудофаа
қобилиятини оширишга шах-
сан ҳисса қўшганлиги учун,
қардош партиялар, мамла-
катлар ва халқлар ўртасида
дўстлигини ривожлантирган-
лиги учун БХР Давлат Ке-
наши томонидан шу орден
билан мунофотланди.

Уртоқ Т. Живков юксак
мунофотини топира туриб,
бундай деди:

Болгар халқи тинчлик
учун атоқли курашчи Ле-
онид Ильич Брежнев раҳбар-
лигида коммунизм куриш
соҳасида КПСС XXV съез-
дининг тарихий режаларини
амалга оширишда сининг
бевосита иштирокинига го-
ят қадрлайди.

Т. Живков Болгария қу-
ролли кучларини вужудга
келиштиришда ва бу қўролли
кучларни замонвий армия-
га айлантиришда жуда катта
ердам берганликлари учун
КПСС Марказий Комитети-
га ва Совет ҳукуматига, Со-
вет Қўролли Кучларига са-
мимий миннатдорчилик из-
ҳор этди. Болгар комму-

нистлари, болгар халқи, деб
таъкидлади. У, совет нар-
дошлари билан социалистик
ҳамдўстликдаги бошқа мам-
лакатларнинг халқлари бил-
ан бундан буюн ҳам ёнма-
ён туриб олға борадилар,
партияларимиз ва мамлакат-
ларимизни бир-бири билан
ҳар томонлама яқинлашти-
риш учун, мудофаа иттифо-
қимиз — Варшава шартно-
масини мустаҳкамлаш учун
зарур бўлган ҳамма ишлар-
ни қиладилар, деб КПСС
Марказий Комитети билан
Совет ҳукуматини ишонти-
ришни истайман.

Уртоқ Д. Ф. Устинов жа-
воб нутқида мунофот учун
самимий ташаккур изҳор эт-
ди. У Болгар-Совет дўстли-
гини ва социалистик ҳам-
дўстлик қудратини бундан
буюн ҳам мустаҳкамлаш
учун бутун кучини сарф-
лайман, деди.

БКП Марказий Комитети-
нинг Сийёсий бюроси совет
делегациясини шарафига эн-
фат берди. Зейфат самимий,
дўстона вазиятда ўтди.

ИШ МЕЗОНИМИЗ

ОРЖОНИКИДЗЕ райони-
даги 3-ўқув ишлаб чиқариш
комбинати коллективни ўзини-
чи беш йилликнинг дастлабки
йилида унумли меҳнат қил-
моқда. Коллектив ўн бир ой-
лик планни муддатидан ил-
гари 110 процент қилиб адо
этди. Йил бошида зиммага
олинган мажбурият ҳам ша-
раф билан адо этиляпти.
Корхона меҳнат аҳли планга
қўшимча равишда 200 минг
сўмликдан кўпроқ кийим ке-
чаклар ишлаб чиқаришга
ваъда берган эди. Самарали
меҳнат қилиш туфайли маж-
бурият ортири билан бажари-
рилди. Ўн ой ичидаёқ план-
дан ташқари 273 минг сўм-
лик маҳсулот реализация
қилинди.

— Меҳнат галабаларимиз-
ни ветеранларсиз тасаввур
қилиб бўлмайди, — дейди
биз билан суҳбатда комби-
нат директори Хури Носир-
хонова. — Корхонамизда
23 йилдан бери филокорона
меҳнат қилиб келаятган ком-
мунист-мураббий Мария По-
номарева, Насиба Нуридди-
нова, 16 йил илгари коллек-
тивимиз сафига қўшилган
Мария Горятеева, коммунист
М. Усмоновалар шулар жум-
ласидандир. Бу ветеранлари-
миз ўзларининг бой иш таж-
рибаларини бошқаларга ўр-
наттиштири, ташаббуслар бил-
ан чириб, доимо илгорлар
сафига бўлмоқдалар. Улар
шахсий беш йиллик топи-

риқларини уч йилда бажари-
ш ҳақида олган мажбури-
ятларини шараф билан ба-
жаришди. Шу кунларда
улар 1977 йилнинг апрель-
май ойлари ҳисобига маҳсу-
лот топиришмиш.

Мазкур корхона Олмаёқ
шаҳридаги ўқув ишлаб чиқариш
комбинати билан ўзаро
мусоабатдош. Меҳнат лабза-
сидаги беллашув ҳар ойда,
ҳар кварталда яқунлашиб ту-
рилади. Комбинат вакиллари
дўстлари ҳузурига тез-тез
бориб мусобада шартлари-
нинг бажарилишини текши-
ридилар, ўзаро тақрибга ала-
машдилар, камчиликлари
бартараф этишга қўмақлаш-
дилар. Бу тадбирлар ишлаб
чиқариш самарадорлигини ва
иш сифатини оширишга яно-
сиб таъсир қилмоқда. Кол-
лектив меҳнат аҳли йиллик
ишлаб чиқариш планини
барча қўрсаткичлар бўйича
10 декабргагача бажариш юза-
сидан янги оширилган маж-
бурият қабул қилди. Бу эса
йил охиригача планга қў-
шимча равишда 300 минг
сўмлик маҳсулот ишлаб чи-
қарилади демандир.

Коллектив меҳнат аҳли
ўз сўзи устидан чиқришга
ҳеч шубҳа йўқ. Бугунги
ютуқлар ортини салмоқли
муваффақиятдан далолат бе-
риб турибди.

Т. НАЖМИЙ.

СЕРГЕЛИ МЕБЕЛИ

ТОШКЕНТИНГ йўлдош шаҳ-
ри — Сергелидаги ошхона
мебели заводида асбоб-уску-
наларни монтаж қилиш бош-
ланди, Бугун Урта Осиё савдо
тармоқларига маҳсулот еткази-
б берадиган бу корхона-
нинг лойиҳадаги қуввати йили-
га 127 минг комплектага бора-
ди.

Бундай типдаги завод Ўзбе-
кистонда биринчи марта бар-
по этилмоқда. Бу ерда ошхо-
на мебелини чиқариш жара-
ёнларининг ҳаммаси механиз-
ацияланган. Мебель ишлаб
чиқариш умумий майдони
беш гектарга борадиган икки
корпусда — йиғиш ва металл
фурниттура корпусларида олиб
берилади.

Прессланган плита пардоз-
лаш бўлимига келиб тушади.
Бу ерда унинг усти пластинка
билан қопланади, Тўрт рангли
бошма машина унга гўл соле-
ди. Кейин плиталар қирқилиб,
йиғиш конвейерига узатлади.
Йиғилган мебель комплекта-
ри иккинчи корпусга келиб
тушади. Бунда бўромларга ласт-
ва ва бошқа фурнитурга қис-
лар ўрнатилади.

Поток линияларини монтаж
қилиш беш йилликнинг иккин-
чи йилида тугатилди. Кор-
хонада ошхона тарихтуралари-
дан ташқари янги туркумдаги
уй-ижора мебоелари ишлаб чи-
қариш ҳам мўлжалланган.

(ЎзТАГ).

«ЎЗСЕЛХОЗТЕХНИКА»нинг Урта Чирчиқ

район бирлашмаси устахонасида ҳозир иш қизғин.
Устахона ходимлари колхоз ва совхозлардан кел-
ган 45 тракторни йил охиригача капитал ремонт-
дан чиқариш учун курашмоқдалар. 1977 йил да-
вомида эса 600 трактор капитал ремонт қилина-
ди. Суратда: (чапдан) ремонт ишларида фаол қат-
нашаётган слесарлардан Нигмат Муҳиддинов ва
Мавлон Шодиевлар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДАУДИ

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ. КПСС XXV
съезди делегати Турдихон Қо-
симова етакчилиги қилаётган
комсомол-ёшлар бригадасида
шугдорлаш ишлари ниҳоясига
етказилди. «Коммунизм» сов-
хозининг бу бригадаси аъзо-
лари 50 гектардан оқ олтин
55 центнердан оқ олтин ийиб
олишди. Улар келгуси йилда
ҳосилдорлигини янада ошириш
ниҳтидлар.

У. МАХКАМОВ,
Т. АЗИМОВ.

ОҚҚЎРҒОН. Ҳар гектар май-
дондан 45 центнердан ҳосил
кўтарган Ҳамид Олимжон но-
ми колхозининг А. Нурматов
болиқ бригада пахтакорлари
айни кунларда келгуси йил хо-
сили учун пухта ҳозирлик кўр-
моқдалар. Майдонларга белги-
ланган миқдорда маҳаллий ва
минерал ўғитлар чиқарилиб,
шугдорлашмоқда. Меҳнаткор-
лардан Э. Хошимов, А. Сай-
фуллаевлар ҳар кунин 6—8
гектардан ер ҳайдамоқда.

Шунингдек, «Коммунизм»
колхозни далаларида ҳам шуг-
дорлаш ишлари қизитиб юбо-
рилган.

Т. ЗОКИРОВ.

ЯНГИЙЎЛ. Тайёрлов пункт-
ларида 2 минг тоннадан зиёд
«оқ олтин» етказиб бериб, йил-
лик планини амалга ошириб
бажарган «Партия XXI съезди»
колхозининг меҳнаткашлари
ҳосилдорлигини келгуси йилда
янада оширишга ҳаракат қил-
моқдалар. Шу мақсадда кузги-
қишги ишлар авж олдириб
юборилди. Далапар озиклан-
тирилиб, сифатли шугдорла-
моқда.

У. ҲАКИМОВ.

БҮКА. Жамбул номи ко-
хозининг Курбон Ҳужакулов
бошлиқ бригада заршуносла-
ри 70 гектар пахта майдон-
дан 37 центнердан ҳосил кў-
тариб, зиммаларидаги соци-
алистик мажбуриятни шараф
билан бажардилар. Ҳозир бри-
гада аъзолари келгуси йил
ҳосилига пухта замин ҳозир-
ламоқдалар. Бригадада ҳосил-
дорлик янада юқори бўлади.

Ж. БОБОРАХИМОВ,
Қ. АЛЛАНОВ.

